2007 ЙИЛ, 13 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 178 (10.987)

Баҳоси эркин нархда

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат архиви ташаббуси билан Жанубий кореялик мутахассислар иштирокида уюштирилган тадбирда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи муҳокама этилди.

●**АДЛИЯ** вазирлиги қошидаги Республика юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган семинар 2008 йил январидан кучга кираётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг моҳиятига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Машинасозлар касб-ҳунар коллежи қошидаги Ахборот ресурс марказида Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар, шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтказилган хотира кечаси «Улуғ шоир ижодини ўрганамиз» деб номланди.

● **КЕЧА** МҲСК стадионида «Пекин— 2008» йўлланмаси учун саралаш турнири учинчи босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон-Баҳрайн олимпия терма жамоалари футбол беллашувида 1:2 ҳисобида меҳмонлар ғалаба қозонишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ Демократик партияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликларида жамият тараққиёти ривожида сиёсий партияларнинг ролини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда партия аъзолари, фаол ёшлар иштирок этишди.

● **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили ҳамда юртимиз Истиқлолининг 16 йиллигига туҳфа сифатида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳомийлигида меҳрга ташна ногирон инсонларга ногиронлар аравачалари топширилди.

● «**ZIVONET**» жамоат ахборот таълим тармоғи ташаббуси билан халқ таълими муассасалари ахборот ресурс марказлари интернет тизимида «ZIVONET» сайти ташкил этилиши ҳамда ушбу масканларни замонавий технологиялар билан таъминлаш режалаштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ўқувчилар ижодиёт марказида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, халқ таълими муассасалари ўқувчилари билимини янада ошириш, ёшларга касб-ҳунар сирларини пухта ўргатиш мақсадида ташкил этилган тўгараклар ўз фаолиятини бошлади.

● **КЕЧА** «Туркистон» саройида Тошкент тиббиёт академиясига талабаликка қабул қилинган ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИБ, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЎПЛАБ ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР БАРПО ҚИЛИНИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАЁТГАНЛИГИ**







**ҚУВОНАРЛИДИР. ШУНИНГДЕК, «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИ, БУЛАРНИНГ БАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА ЁРҚИН МИСОЛДИР.**

*Миллий дастур — амалда*

## ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Мана куни кеча бошланган янги ўқув йили биринчи синфга борган жажжи болажонлару илк бор талабаликка қабул қилинган ёшлар ҳамда коллеж ва лицейга ўқишга кирган ўқувчилар учун ниҳоятда қувончли бўлди. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейга бу йил ўқишга кирган Мустақиллигимиз билан тенгдош бўлган ёшларнинг ҳам қалблари чексиз ҳаяжон ва қувончга тўлди.

— Мен бу йил Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейга ўқишга қабул қилиндим,— дейди мазкур лицей ўқувчиси Шаҳноза Хайриддинова.— Орзуларим ушалиб, шундай нуфузли ўқув юртида таҳсил олаётганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Янги барпо этилган лицей биноси ва бу ерда ўқувчиларнинг чуқур билим эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлардан ниҳоятда хурсандмиз. Мақсадим шу даргоҳда билим олиб, келгусида Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга кириш ва етук мутахассис бўлиб етишиш, халқимиз саломатлигини сақлашда ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиш.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллигимиз мевалари саналмиш янги бунёд этилган бир қатор иншоотлар қаторида 2006 йил февраль ойида фойдаланишга топширилган Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ҳам ҳар томонлама жаҳон андозалари талаблари асосида барпо қилинган.

— Лицей биноси уч қаватдан иборат бўлиб, биринчи қават биология ва кимё кафедраси, лаборатория хоналари, иккинчи қаватда тил бўйича лингафон ва компьютер хоналари, учинчи қаватда эса ижтимоий аниқ фанлар бўйича ўқув хоналари жойлашган,—дейди мазкур академик лицей директори Лола Раҳманова.— Айни кунда 360 ўқувчи таҳсил олаётган ушбу билим даргоҳимизда асосан табиий фанлар— биология ва химия чуқур ўргатилади. Шунингдек, лицейда жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилган катта ва шинам фаоллар зали мавжуд бўлиб, бу ерда Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорликда турли байрам тадбирлари, семинарлар, илмий кенгашлар ўтказилади. Бу йил лицейимизда яхши ниятлар билан ўқишга кирган мустақиллик тенгдошлари таҳсил олишмоқда. Ўйлаймизки, лицейимиз ўқувчилари келгусида Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга кириб, шифокор деган шарафли касбни эгаллашади ва халқ саломатлигини сақлашда камарбаста бўладилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент тиббиёт академияси фаолиятидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

## ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

**ТОШКЕНТДА 17-19 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ III ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ ВА IV ХАЛҚАРО ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

Ушбу халқаро тадбирлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг яна бир самараси бўлиб, деҳқонларимиз етиштирган пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиқишни янада такомиллаштириш, чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади. Ярмаркада ва конференцияда дунёнинг етакчи пахта истеъмолчилари, мутахассислар, олимлар ва экспертлар Ўзбекистон пахтачилигидаги сўнгги ютуқлар, хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёни билан яқиндан танишадилар. Жаҳон пахтачилигидаги ўзгаришлар, янги анъана ва тенденциялар юзасидан фикр алмашадилар.

“Ўзпахтасаноат” уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Виктор Дьячковнинг айтишича, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши экспорт қилинаётган тола сифатини ошириш имконини бермоқда. Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификациялашнинг янги тизими жорий этилди. Пахтани сотишнинг замонавий инфратузилмаси - барча хизмат турларига эга, толани омборларда сифатли сақлаш ва ташишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар барпо этилди.

Юртимизда мазкур икки халқаро анжуманнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги қатор пахта заводларида янги терилган пахтани қайта ишлаш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорида мамлакатимиздаги қирқдан зиёд корхонани қайта таъмирлаш кўзда тутилган. Жорий йилда Тошкент, Бухоро, Хоразм, Навоий ва бошқа вилоятларда қайта таъмирланган етти корхона ишга туширилди.

Ярмарка ва конференция иштирокчилари учун ўзбек пахтасининг сифат хусусиятлари, пахта етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконияти яратилади. Пахта тозалаш заводлари, терминаллар ва фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиш ярмарка иштирокчиларининг ушбу маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасидаги тасаввурларини янада бойитади.

«Ўзэкспомарказ»да очиладиган селекция навлари кўргазмасида меҳмонлар жорий йил ҳосилининг илк намуналари билан ҳам танишишлари мумкин. “Ўзпахтасаноат” уюшмаси “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда ярмарка иштирокчиларига олий сифатли ўзбек пахтаси намуналарини намойиш этади.

Тошкентда ўтажак халқаро ярмарка ва конференция пахтани экспорт қилиш борасида мамлакатимизнинг ва ҳамкорларимизнинг манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни топиш ҳамда ривожлантириш, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатишга хизмат қилади.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири**

## «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА УШБУ НУФУЗЛИ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА.**

Жорий йилда бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Қисқа муддатда барпо этилган янги павильон фойдаланишга топширилди. Кўргазма павильонлари, аквапарк, болалар боғи ва япон боғини ўз ичига олган «Ўзэкспомарказ» яхлит мажмуага айланди. Унинг умумий майдони - 48 гектар. Эндиликда бу ерда йилига ўттизга яқин махсус, халқаро ва миллий анъанавий кўргазмалар ташкил этиш мумкин.

III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси «Ўзэкспомарказ»нинг биринчи павильонида ўтказилади. Айни пайтда бу ерда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Жумладан, музокаралар олиб бориш учун ташкил этилаётган махсус хоналар халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланмоқда. Махсус ажратилган залда меҳмонлар тола намуналари билан танишиш ва ўз эҳтиёжларига мосини танлаб олиш имконига эга бўлади. Шу ернинг ўзида тола хариди билан боғлиқ барча операцияларни амалга ошириш мумкин.

Ярмаркада «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс» ва «Ўзинтеримпекс» каби давлат ташқи савдо акциядорлик компаниялари вакиллари тола савдоси бўйича чет эллик харидорлар билан музокаралар олиб боради ва шартномалар тузади.

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази учун ажратилган жойда юртимиз пахта толаси сифат кўрсаткичларига оид маълумотлар билан танишиш мумкин.

Ярмарка доирасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда пахта толасидан ишлаб чиқарилган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилади.

«Ўзташқитранс» давлат акциядорлик компанияси вакиллари ёрдамида халқаро йўналишлар бўйича юк ташиш билан боғлиқ масалалар ҳамда мазкур компаниянинг бу борадаги имкониятлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин. Ярмарка кунлари замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган матбуот маркази иш олиб боради.

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси очиқ акциядорлик жамияти кўргазма ва кўргазма хизматлари бўлими бошлиғи Ойбек Мирбобоевнинг маълум қилишича, ҳозиргача 33 давлатдан 263 компаниянинг қарийб 490 нафар вакили ярмаркада иштирок этиш истагини билдирган. Улар орасида Австралия, АҚШ, Германия, Франция, Италия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Украина каби мамлакатлар вакиллари бор.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада оширишга оид қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ҳамда мазкур компания тизимидаги корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.**

**● Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари давлат солиқ хизмати ходимларининг икки кунлик ўқуви бўлиб ўтди. Машғулотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги солиқ академияси олимлари, қўмитанинг етакчи мутахассислари олиб бордилар.**

**● Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Евроосиё ТАПО-ДИСК» Ўзбекистон—Англия қўшма корхонаси «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун сифатли дисклар етказиб бермоқда. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида корхонада 600 минг донадан зиёд автомобиль дисклари ишлаб чиқарилди.**

**● «Марғилон текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси ташкил топганига тўрт йил бўлди. Ўтган давр мобайнида корхонада 3400 тонна пахта толаси қайта ишланиб, унда 7 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.**

**● Бухоро Давлат университетининг янги замонавий ва кўркам маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Уни университет қурилиш бригадаси ҳамда «Бунёдкор-2007» талабалар ишчи отряди четдан ишчи кучи жалб этмаган ҳолда қуриб битказишди.**

**●БМТнинг ЮНИСЕФ —болалар жамғармаси, Республика Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув методика маркази, «Фарзандим—жигарбандим» жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида Фарғона шаҳридаги «Шодлик» боғча-мактаб мажмуасида «Қадам-бақадам» дастури асосида семинар-тренинг иш бошлади.**

**● Урганч шаҳрининг Суратлар галереясида «Керамика ва миниатюра санъати абадий» деб номланган кўргазма очилди. Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмада хоразмлик мусаввир ва кулолларнинг энг сара асарлари намойиш этилмоқда.**

**● Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйи янги бинога кўчиб ўтди. Ушбу замонавий тарбия масканини «Идеал» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари фойдаланишга топширдилар.**

**●Андижон шаҳридаги «Зам-зам медсервис» масъулияти чекланган жамияти қошида Диагностика ва соғломлаштириш маркази иш бошлади. Ушбу марказ кунига 150 нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эгадир.**

**●Янги Ангрен иссиқлик электр станциясига шартнома асосида махсус иш кийимлари тайёрлаб бераётган Нуробод шаҳарчасидаги «Букет адо» кичик корхонаси қошида пластик карточкалар билан хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари дўконлари қаторида видеостудия ҳамда компьютер хизматлари ҳам йўлга қўйилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Боливия ҳукумати жорий йилнинг 1 декабридан АҚШ фуқаролари учун виза тизимини жорий этди. Эндиликда Боливияга келадиган америкалик сайёҳ 30 кун учун 134 доллар тўлаши керак бўлади.**

**● Ироқдаги АҚШ қўшинлари сони келгуси йилнинг ўрталарига келиб 30 минг нафарга қисқаради. Бу ҳақда Президент Жорж Буш билан суҳбатда бўлган, лекин номи ошкор этилишини истамаган Оқ уй вакили хабар берди. Унинг айтишича, жума куни Жорж Буш миллатга 15 дақиқалик мурожаатида ўзининг ушбу режасини эълон қилади.**

**● Филиппиннинг собиқ Президенти Жозеф Эстрада устидан 2001 йилнинг октябрида бошланган суд жараёни ниҳоясига етди. Президент даромадини солиқдан яширганликда, коррупция ва порахўрликда айбланиб, суд уни умрбод қамоқ жазосига маҳкум этди.**

**● Швециянинг жанубида навбатдаги машқларни бажариш пайтида мамлакат ҳарбий кучларига қарашли иккита «Helikopter 9» вертолёти тўқнашиб кетиши натижасида бортдаги барча учувчилар ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.**

**● Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти — ОПЕК шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб «қора олтин» қазиб олиш миқдорини кунига 500 минг баррелга кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мутахассисларнинг маҳсулот нархининг кўтарилиб кетиши жаҳон иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлари бунга сабаб бўлди.**

**● Хитойда нарх-навонинг ўсиш суръатлари охирги ўн йиллик мобайнида энг юқори даражага кўтарилган. 2006 йил августидан 2007 йил августигача бўлган даврда мамлакатда пулнинг қадрсизланиши 6,5 фоизни ташкил этди. Хитой марказий банкининг пулнинг қадрсизланишига қарши кўраётган чора-тадбирлари бесамар кетмоқда.**

**● Индонезиянинг собиқ Президенти Сухарто «Time» журналидан 129 миллион доллар ундириб оладиган бўлди. Унга журнал томонидан 1999 йилда Сухартонинг давлатнинг 18 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги пулини ноқонуний ўзлаштириб олишда айблаб ёзилган мақоласи сабаб бўлди.**

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

**ТОШКЕНТДА 24-28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА МУҲИМ ВОҚЕА – INFOCOM 2007 АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ ЎТАДИ. АКТ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН УШБУ ҲАФТАЛИК МУТАХАССИСЛАР ҲАМДА КЎП СОНЛИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА.**

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастури ўзининг Ўзбекистондаги "АКТ сиёсати" лойиҳаси тимсолида, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилмоқда.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ўтказилмоқда. Ушбу ҳужжатда ахборот-коммуникация технологиялари тармоғида стратегик устувор вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар белгиланган. Бугун алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Ҳозир республикамиз шаҳар ва туманлари марказларининг барча тармоқлари рақамлаштирилган, аҳоли, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларга халқаро телефон алоқаси ва маълумотлар узатиш бўйича юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг янги ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар, уяли алоқа компаниялари абонентлари сони кўпаймоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, ҳафталик доирасида қатор тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Тошкент Ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтадиган "ITPA 2007 — Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш" мавзуидаги халқаро конференция шулар жумласидандир.

Жанубий Корея, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан 60 нафардан ортиқ вакил иштирок этадиган ушбу форумнинг асосий мақсади турли йўналишда изланишлар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар, олимлар ва манфаатдор шахсларни Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш масаласи атрофида бирлаштириш, ҳозирги давр услублари, янги тадқиқот йўналишлари ҳамда янги технологиялар имкониятларини муҳокама қилишдан иборат.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган "ICTExpo 2007" ахборот технологиялари миллий кўргазмаси бу гал АКТ ҳафталиги доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида намойиш этилади. Унда софтмаҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, тизимли интеграция, қайд этиладиган ва мобиль алоқа компаниялари, Интернет-провайдерлар, телекоммуникация ҳамда компьютер ускуналарини ишлаб чиқувчи ва етказиб берувчилар ўз маҳсулотини тақдим этади.

Кўргазмада бизнес-ҳамжамият вакиллари, ҳокимият органлари ва аҳолининг кенг қатламлари учун мўлжалланган ахборот-коммуникация технологиялари базасида кўрсатиладиган барча мавжуд ҳамда истиқболли хизмат турлари намойиш этилади.

Кўргазмада даставвал унинг ташкилотчиси ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилот — Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмасининг аъзолари иштирок этиш имконига эга бўлади. Улар қаторига Ўзбекистон IT соҳасининг 45 тадан ортиқ етакчи корхонаси киради.

Мамлакатимизда электрон рақамли имзони оммалаштириш ва кўп сонли фойдаланувчиларни янги технологиялар билан таништириш мақсадида ҳафталик доирасида Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан электрон рақамли имзо калитлари ва калитлар сертификатларини бепул топшириш бўйича танлов ўтказиш, шунингдек, тест калитлари ва сертификатларини тарқатиш режалаштирилмоқда.

Ушбу танловда хоҳлаган киши қатнашиши мумкин. У 2007 йилнинг 20 сентябрида http://rc-service.ftmtm.uz/konkurs сайтида ўтказилади. Танловнинг барча саволларига тўғри жавоб берган дастлабки юз нафар иштирокчи (ғолиблар) Рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо учун шахсий калит ва калит сертификатига бепул эга бўлади. Танлов саволлари "электрон рақамли имзо" мавзуси билан боғлиқ. Ҳар бир саволнинг бир неча жавоб вариантлари бўлиб, уларнинг орасидан тўғрисини танлаш талаб этилади.

Кўргазмада мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳам кенг тақдим этилади. Айрим стендларда мамлакатимизнинг телемедицина тизимлари жойлаштирилади.

"ICTExpo 2007" дастуридан илмий-техник конференциялар, кенг кўламли ахборот-коммуникация масалалари бўйича давра суҳбатлари ўтказиш, тақдимот дастурлари трансляцияси, соҳадаги энг сўнгги ютуқларни рўёбга чиқариш бўйича тажриба алмашиш масалалари ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, кўплаб таълим ва маънавият соҳаларига оид, шунингдек, турли кўнгилочар дастурлар ҳам ташкил этилади.

Ҳафталик иштирокчилари "Мамлакат босма оммавий ахборот воситалари фаолиятида замонавий АКТнинг роли ва Интернет-ресурсларни ривожлантириш истиқболлари" мавзуидаги медиа-форумда ҳам қатнашади.

Унда медиа-тузилмалар ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий йўналишлари, ўзбек журналистикасининг энг яхши анъаналарини ривожлантириш масалалари муҳокама этилади. Пойтахтимиздаги халқаро бизнес марказида эса ижодий фаолиятнинг ворисийлиги, журналистларнинг жамиятда рўй бераётган янгиланиш жараёнларини ёритишдаги масъулияти хусусида сўз юритилади.

Шу билан бирга, Тошкентда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси (Ўзбекистон IT-уюшмаси) ҳузурида яқинда ташкил этилган Электрон бошқарув бўйича ваколат марказининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтади. Янги тузилма электрон бошқарув соҳасидаги илғор асбоб-ускуналар ва дастурий воситаларнинг мунтазам фаолият кўрсатадиган ўзига хос намойиш майдонига айланади.

Илғор ички ва халқаро тажрибага таянган ҳолда, бу каби ваколат марказлари электрон ҳукумат соҳасида билим манбаи, шунингдек, давлат мансабдор шахслари учун ўз профессионал даражасини оширишга хизмат қиладиган кўникмаларни эгаллаш, демакки, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, салоҳиятни ривожлантиришда электрон бошқарув афзалликлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш асоси бўлиб хизмат қилади. Бундай марказларда ишлайдиган мутахассислар энг яхши халқаро амалиёт ва мамлакатимизда тўпланган ибратли тажрибани кенг жорий этиш мақсадида стандартлар, тавсияномалар ва йўриқномалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Таъсис этилган марказ шерик компанияларга беғараз асосда уларнинг электрон бошқарув соҳасидаги товар ҳамда хизматларини сотиш учун шароит яратиб беради, илмий тадқиқотларни амалга оширади, ахборот жамиятини шакллантириш ғоясини оммалаштириш бўйича тарғибот ишларини олиб боради.

АКТ ҳафталиги давомида яна бир муҳим тадбир – ICI 2007 - Интернет, мобиль, симсиз ва оптик толали алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Тадбир қатор халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилади.

ICI 2007 изчил кенгайиб бораётган ахборот технологиялари соҳаларида техник алмашишни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили ташкил этилмоқда. Конференция симсиз ва оптик маҳсулотлар саноатида инновация ва илғор тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни кўриб чиқиш учун имкон яратади.

Форумда жаҳон Интернет тармоғидан симсиз фойдаланишнинг техник жиҳатлари, шунингдек, мобиль алоқанинг учинчи ва тўртинчи авлодини муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит бўлиб ўтади. Унинг иштирокчилари Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, ахборот технологияларини давлат бошқарувига жорий этиш, электрон таълим ва фойдаланиш инфратузилмаларини ривожлантириш борасидаги муаммо ва ютуқлар, шунингдек, мамлакатда электрон тижорат истиқболларини муҳокама этади. Мунозаралар натижаларига мувофиқ Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантиришга доир аниқ таклифлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, UZ миллий домени бўйича Интернет-фестиваль ташкил этилади. Унда иштирок этиш учун аризалар қабул қилиш якунланмоқда. Айни пайтда фестивалнинг 16 номинациясида 1000 га яқин сайт рўйхатга олинган.

Шубҳасиз, InfoCom 2007 ҳафталиги республикамизда ушбу тармоқни янада ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро фойдали амалий алоқаларни йўлга қўйишда муҳим омил бўлади.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Транспорт

# РАВОН ЙЎЛЛАРДА — ҚУЛАЙ «ИСУЗУ»ЛАР

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ТРАНСПОРТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДА ҲАМ КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРГА СИФАТЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.**




Бугун кенг ва равон йўлларимизда ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилиб тез ва сифатли хизмат кўрсатаётган «Мерседес-Бенц», «Исузу» ва «Отайўл» каби автобус ва мини автобуслар салонининг кенглиги, орасталиги, қулайлиги билан йўловчилар ва ҳайдовчиларга бирдек маъқул бўлмоқда. Биз Сергели туманидаги 12-автобус саройида бўлиб аҳолига қандай хизмат кўрсатилаётгани билан қизиқдик.



Маълум бўлишича, 12-автобус саройидан кунига 12 та йўналиш бўйича 110 та автобуслар йўлга чиқиб, 82.000 йўловчининг узоғини яқин қилади, беминнат хизмат кўрсатади. Режалар ортиғи билан бажарилиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича ижобий ишлар амалга оширилган. Накд пул тушуми 9 миллион 900 минг сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилга нисбатан 7 ой якунлари бўйича белгиланган режа 103 фоизга, йўловчилар ташиш эса 102, 3 фоиз ортиғи билан бажарилганини кўрсатади.

Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари ижроси ва мазкур ҳужжатлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда мутахассислар, мутасадди идоралар раҳбарлари, транспорт ходимлари ва ҳайдовчилар иштирокида турли тадбирлар ўтказилиб келинаётганлиги корхонада ишлар яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади, албатта.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, яқинда кўп сонли аҳолининг талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан тумандаги «Дўстлик—Янгиобод» йўналиши бўйича 10 та «Исузу» автобуслари қатнови йўлга қўйилди.

«Яхши дам—меҳнатга ҳамдам», дейдилар. Корхона ишчи-хизматчиларининг фидокорона, заҳматли меҳнати раҳбарият томонидан ҳамиша рағбатлантирилиб борилади, касаба уюшмаси томонидан имтиёзли йўлланмалар билан таъминланиши йўлга қўйилган. Моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш билан бирга сут ва гўшт маҳсулотлари ҳам тарқатилиб турилади.

Ҳа, «Меҳнат қилган элда азиз» дейдилар. Биз ҳам йўловчилар узоғини яқин қилишга, уларнинг хавфсизлигини таъминлаб манзилларига беминнат етказиб қўйишга интилаётган аҳил, меҳнаткаш жамоага ишларида омад, йўллари доимо бехатар бўлишини тилаб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Анжуманлар

# БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**МАЪЛУМКИ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ БИЗНЕС СОҲАСИНИНГ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ. ШУ МАЪНОДА ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ СОҲИБЛАРИНИНГ ТАЖРИБА АЛМАШИНУВИ, ИШ ЖАРАЁНИДА ТЎПЛАГАН МАЛАКАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШИШИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Куни кеча шаҳримиздаги «Пойтахт» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Осиё-Тинч океани ҳудуди мамлакатлари савдо-саноат палаталари конфедерацияси билан ҳамкорликда «Ўз бизнесингни бошла ва муваффақиятга эриш» мавзуидаги ўқув-семинарининг ўтказилиши фикримизнинг яққол исботидир. Ушбу анжуманда мамлакатимиз ишбилармон-тадбиркорлари, соҳа мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Шу ўринда мазкур нуфузли ташкилот ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак. Осиё-Тинч океани ҳудуди мамлакатлари Савдо-саноат палаталари конфедерацияси 1965 йил 20 февралида Манила шаҳрида ҳудудий-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш мақсадида ўтказилган Савдо-саноат палаталарининг «Иқтисодий ҳамкорлик Осиё тараққиётининг асоси» мавзуидаги конференциясининг қарори билан ташкил этилган. Ҳозирги кунда ушбу нуфузли ташкилот ўзида 26 та савдо-саноат палаталарини бирлаштиради. Мамлакатимиз эса унга 2005 йил 27 октябрида аъзо бўлиб кирган. Конференциянинг истиқболли йўналишлари Осиё-Тинч океани ҳудуди мамлакатлари тадбиркорларини бирлаштириш ва уларни ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этиш, ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, бизнес этикаси йўналишларида ўқишларни ташкил этишни қамраб олади.

Йиғилишни Республика Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Набижон Қосимов кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш ва хорижий ҳамкорлар билан олиб борилаётган истиқболли йўналишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг тадбирни юқори савияда ташкил этиш учун хорижий мутахассисларга сўз навбати берилди. Улардан бири жаноб Г.С.Июнь Катан-тадқиқотчи-тадбиркор. Ҳозирда у Филиппин тадқиқотчилар уюшмаси президенти. «Қандай пул топишнинг 101 ғояси» номли ўқув қўлланмаси муаллифи. 1975 йилда жаноб Катан Филиппиндаги энг муваффақиятли корхоналарни ташкил этган ёшлар ўнталигига киритилган. Яна бир мутахассис, жаноб Т.Кубиллас Филиппин давлат университети профессори. У кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, маркетинг асослари, молия-иқтисодиёт йўналишлари бўйича етук мутахассислардан бири ҳисобланади.

Мутахассислар йиғилиш қатнашчилари томонидан ўртага ташланган саволларга атрофлича жавоб беришди. Бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги фикрлар муҳокама этилди.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида*

# ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛМОҚДА

**КИШИЛИК ЖАМИЯТИДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЁТ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН МУКАММАЛ КЎРИНИШГА ЭГА БЎЛГАН. ШУ МАЪНОДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛА БОШЛАНДИ.**

Гап шундаки, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза этиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Қуйида сизнинг ҳукмингизга ҳавола этиладиган лавҳаларда бу борадаги қонун меъёрларининг бузилиши ва уларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида сўз боради.

Шайхонтоҳур тумани Марказ-14, 12-уй, 36-хонадонда истиқомат қилувчи М.Холматова Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор Ж.Маннопова тегишли «LG» савдо дўконидан «S-12-LHP» русумидаги совутгични 725.000 сўмга сотиб олган. Аммо мазкур маҳсулот ишлатиб кўрилганида унинг яроқсизлиги аниқланди. Шу боис ҳозирда истеъмолчига тегишли маблағ тегишли маъмурият аралашуви билан эгасига қайтариб берилган.

* * *

Шайхонтоҳур тумани Олмазор кўчаси, 83-уйда истиқомат қилувчи Н.Юсупов Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор Х.Маҳкамова қарашли «Тефаль» савдо дўконидан «NOKIA-3-50» русумидаги уяли телефон аппаратини 370.000 сўмга харид қилади. Аммо маҳсулот ўзининг сифат кафолатини оқлай олмайди. Ҳозирда сифатсиз телефон аппаратининг пули ундириб берилган.

* * *

Сергели тумани 8-даҳа, 110-уй, 6-хонадонда истиқомат қилувчи Х.Қурбонов электр таъминотининг сабабсиз узиб қўйилиши юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Айни пайтда Сергели туман электр тармоғи корхонаси билан ҳамкорликда мазкур муаммо ижобий ҳал этилган.

* * *

Чилонзор тумани «Наққошлик» кўчаси, 20-уй, 101-хонадонда яшовчи, П.Матмуратов Навоий ярмаркасидаги «Сезам-пульс» савдо дўконидан 188.000 сўмлик «LG» телевизорини сотиб олган. Лекин телевизор савдо дўкони маъмурияти томонидан белгиланган ишончни тўла оқлай олмади. Шу боис истеъмолчи талаби қондирилиб, яроқсиз «зангори экран» янгисига алмаштириб берилган.

* * *

Собир Раҳимов тумани Беруний даҳаси, 3-куй, 66-хонадонда истиқомат қилувчи Ш.Каримов, Қорақамиш 2/3 мавзесида яшовчи хусусий тадбиркор Ш.Шоазимовга «Нексия» русумидаги автомашинани сотиб олиш учун, ҳеч қандай расмийлаштирувларсиз 4 миллион 300 минг миқдоридаги маблағ берган. Аммо, орадан 7 ой муддат ўтса-да, автоуловдан дарак бўлмаган... Ҳозирда тегишли ташкилот аралашуви билан истеъмолчи ва сотувчи ўртасида шартнома тузилиб, тегишли маблағ ундирилган.

* * *

Миробод тумани Афросиёб кўчаси, 23-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи О.Мамаева Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор А.Ҳошимовга қарашли «LG» савдо дўконидан «SOI» телевизорини 160.000 сўмга харид қилади. Аммо маҳсулот сифатсиз чиқади. Ҳозирда истеъмолчига тегишли маҳсулот алмаштириб берилган.

* * *

Юнусобод тумани 4-даҳа, 1-уй, 333-хонадонда истиқомат қилувчи Р.Ибрагимов Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор А.Шукуровга қарашли «Hi-Tech» савдо дўконидан «Индезит» музлатгичини 1.30.0000 сўмга сотиб олади. Лекин маҳсулот сифат кафолатини оқлай олмагани боис, истеъмолчининг ҳақли эътирози сабабли сафланган маблағ қайтариб берилган.

* * *

Халқлар Дўстлиги кўчаси, 39«а»-уй, 26-хонадонда яшовчи А.Азимов Навоий ярмаркасидаги «Касбино» савдо дўконидан «Соне эрексон» телевизорини 618.800 сўмга харид қилади. Бироқ истеъмолчи томонидан ишлатиб кўрилганда телевизорнинг техник носозлиги аниқланди. Эндиликда телевизор янгисига алмаштириб берилган.

* * *

Чилонзор тумани 1-мавзе, 44-уй, 27-хонадонда яшовчи Б.Ҳусаинова «Ромикон-сервис» МЧЖга ўзининг техник ҳолатини йўқотган музлатгичини таъмирлаш учун топширади. Мазкур маъмурият истеъмолчидан 80.000 сўм бадалига ушбу музлатгични таъмирлаб беришни ўз бўйнига олади. Лекин у кейинчалик Б.Ҳусаинова томонидан ишлатиб кўрилганида носозлик бартараф этилмаганлиги аниқланади. Ҳозирда ваколатли ташкилотнинг аралашуви билан бепул таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

* * *

Миробод тумани Қўшкўпир кўчаси, 5-уйда яшовчи З.Пиримова Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор И.Миролимовга тегишли савдо дўконидан «Самсунг» д-600 русумидаги уяли телефон аппаратини 315.000 сўмга харид қилади. Аммо маҳсулот сифатсизлиги боис, етказилган моддий зарар истеъмолчи фойдасига ундирилган.

***Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!***

***Агар сиз харид қиладиган маҳсулотларда ҳам нуқсон сезилса, қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:***

***Тошкент-700029 Халқлар Дўстлиги кўчаси, 23-а-уй. Телефонлар: (998 712) 276-90-6; 276-89-35.***

***Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида***

**Хидирали ПАНЖИЕВ** тайёрлади.

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК



*Тиббиёт масканларида*

## БЕМОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

**ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИНИ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАСИ ҲУКУМАТИМИЗНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ. БУ БОРАДА ҲУКУМАТИМИЗ ҚАРОРЛАРИ, ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА БИР ҚАТОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАН БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНДА УШБУ ВАЗИФАЛАР АМАЛДА ИСБОТИНИ ТОПАЁТГАНЛИГИГА БАРЧАМИЗ ГУВОҲ БЎЛМОҚДАМИЗ.**



Фарзандлар оиламиз қувончи, ҳаётимиз мазмуни, авлодимиз давомчиларидир. Уларнинг соғ-омон, баркамол бўлиб вояга етишлари ва саломатликларини тиклаш йўлида пойтахтимиздаги мавжуд болалар шифохоналари ва у ердаги малакали шифокору ҳамшираларнинг хизматлари беқиёсдир. Жумладан, айни кунларда Юнусобод туманидаги шаҳар болалар клиник шифохонаси фаолиятига бир назар ташлагудек бўлсангиз, бу йил ушбу тиббиёт масканида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, таъмирлаш ишларининг гувоҳи бўласиз.

— Эндиликда бутунлай янги замонавий қиёфага эга бўлган шифохонанинг жарроҳлик бўлимлари, операция блоки, болалар жарроҳлиги урологияси бўлими, янги туғилган чақалоқлар жарроҳлиги, кўз касалликлари микрохирургияси бўлимлари «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод» халқаро хайрия жамғармаси, «Навоий тоғ-кон металлургия» комбинати, Зарафшон қурилиш бошқармаси ва бошқа ҳомийлар томонидан тўла капитал таъмирдан чиқарилди,— дейди биз билан суҳбатда шаҳар болалар клиник шифохонаси бош шифокори Сафиулло Набиев.— Шифохонани таъмирлаш ишларига жаъми 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бундан ташқари шифохонани бюджетдан ташқари маблағлар ва бошқа ҳомийлар томонидан реанимация, неврология, микроневрология, аллергология, чақалоқлар, марказий стерилизация бўлимлари тўла таъмирланиб, фойдаланишга топширилди ва юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Яна шуни таъкидлаш керак, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Япония гранти бўйича 89,8 минг АҚШ доллари миқдорида реанимация бўлими замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, шифохонанинг қабул бўлимига 37 миллион сўмлик УЗД аппарати ўрнатилди.

Шифохонада чала туғилган чақалоқлар бўлими, неврология, микроневрология, чақалоқлар бўлимлари, кўз касалликлари, микрожарроҳлик, жарроҳлик, болалар бўлими, аллергология, жонлантириш, физиотерапия бўлимлари ҳамда ЛОР, стоматология хоналари, дорихона, ошхона,- кир ювиш хоналари мавжуд.

—Шифохонамизда шаҳримиз ва республикамиз бўйича беморлар қабул қилиниб, бир йилда 15 мингдан ортиқ беморлар дардларига шифо топишади,—дейди шифохона бош шифокорининг ўринбосари Мавлуда Табибова.— Яна шуни ҳам айтиш жоизки, бу ерда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедраси жойлашган бўлиб,жарроҳлик, кўз касалликлари, жонлантириш, реанимация кафедралари, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг неонатология ва неврология кафедраларининг ўқув базаси жойлашган. Бу кафедраларда фаолият олиб бораётган ўз ишининг тажрибали мутахассислари бўлган шифокорлар болалар саломатлигини тиклашда бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, беморлар дардига малҳам бўлишмоқда. Булардан ташқари шифохонада Саида Йўлдошева, Дилбар Нурматова, Васила Азимова, Маҳбуба Рустамбекова сингари ўз касбига меҳр қўйиб, шифокор деган номни улуғлаб келаётган қўли енгил, ширинсухан шифокорлар болажонлар саломатлигини тиклашда жонкуярлик билан меҳнат қилишмоқда.





— Мен Фарғона вилоятидан келиб, етти ёшли ўғлимни оғир аҳволда шу шифохонага ёткиздим. Боламнинг аҳволини кўриб, зудлик билан операция қилишди. Ушбу шифохонанинг шифокору ҳамшираларидан жуда миннатдорман, барака топишсин, боламнинг тепасида туну кун парвона бўлиб, ўн кунда соғ-омон бағримга қайтариб беришди. Уларнинг бемор болаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, ширинсўзлиги, жонкуярлигини кўриб,ниҳоятда хурсанд бўлдим. Илоҳим мана шундай шифокору ҳамширалар орамизда кўпайсин,—дейди Анвар Мирқосимов.

Дарҳақиқат, халқимизда «Олтин олма дуо ол», деб бежиз айтишмаган. Эл дуосини олиб, ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйган инсонлар ҳамиша ҳурмат ва обрўга эга бўлишади. Зеро, юртимизда мана шундай эл ардоғида ва эъзозида бўлаётган, оқ халатига доғ туширмай беморлар дардига малҳам бўлаётган тиббиёт ходимлари сони кўп десак адашмаймиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: шаҳар болалар клиник шифохонаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

---

**КЎРИБ ТУРГАНИМИЗДЕК ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАР ҚАДАМДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛИБ, ХАЛҚИМИЗ КЎНГЛИНИ ТОҒДЕК КЎТАРМОҚДА. МЕН БУНИ ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ «НУРОНИЙЛАР» ШИФОХОНАСИДА ДАВОЛАНИБ, ГУВОҲИ БЎЛДИМ.**

*Миннатдорлик*

## ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Ҳа, мазкур шифохонада нуронийлар саломатлигига катта эътибор билан қараб, уларга хушмуомалалик билан ғамхўрлик кўрсатиб, дардларига малҳам бўлаётган шифокор ва ҳамшираларнинг меҳнатларидан кўпчилик миннатдор. Мен ҳам ёз ойларида шу масканнинг асаб касалликлари бўлимида ётиб, соғлиғимни тиклаб қайтдим. Дарҳақиқат бу ердаги тартиб, интизом, озодалик, саранжом-сариштalik, шифокор ва ҳамшираларнинг беморларга кўрсатаётган меҳрибонлигини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Айниқса, шифохонанинг бош шифокори Муқаддасхон Ризаева ва асаб касалликлари бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Нигорахон Шомаҳмудованинг беморларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан жуда миннатдор бўлдим. Бу ўз касбига меҳр қўйган, беморларнинг олқишу раҳматлари ва дуоларини олиб келаётган шифокорлардан нафақат мен, бошқа нуронийлар ҳам ниҳоятда хурсанд бўлдилар. Беморларга тўғри ташхис қўйиш ва уларга белгиланган муолажаларни ўз вақтида бериш каби масалаларга эътибор билан қарашлари, айниқса кишини қувонтиради. Бўлимда туну кун беморларга парвона бўладиган Ирода Содиқова, Гулчеҳра Мирзаева, Дилбар Шукурова, Назира Сайдалиева сингари қўли енгил, ширинсўз ва чаққон ҳамшираларнинг меҳнатлари ибратли. Уларнинг «Ассалому алайкум додажон ёки онажон деб ширинсуханлик билан нуронийлардан ҳол-аҳвол сўрашлари, киши руҳиятини кўтариб, дилини чоғ қилади. Мен ана шундай эл соғлиғи айниқса, кексалар саломатлигини тиклашда камарбаста бўлаётган шу шифохона шифокорлари, ҳамшираларига чин дилдан миннатдорчилик билдириб, уларни «доимо соғ-омон бўлинг, қўлингиз дард кўрмасин» дея дуо қиламан.

**Нигмон ҚУРБОНОВ,**
**меҳнат фахрийси**

---

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

**ҲАММАМИЗГА МАЪЛУМКИ, ҲОЗИРГИ КУНДА БУТУН ДУНЁ БЎЙЛАБ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИ ҲАҚИДА, УШБУ ХАСТАЛИК БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА БИЗ БУГУН ШАҲАР ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИНИНГ ШИФОКОРИ ДИЛБАР ОБИДОВА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.**

— Бу касаллик сурункали ҳисобланиб, туғма бўлиши ёки кейинчалик касалланиш мумкин. Касаллик икки турга бўлиниб, биринчи тури инсулинга муҳтож, яъни бемор бир умр инсулинни қабул қилиши шарт. Иккинчи турида эса бемор қанд моддасини камайтирувчи таблеткалар қабул қилади. Касаллик баъзан жуда кеч аниқланади. Бунга касалликнинг яширин кечиши, беморларнинг шифокорларга кеч мурожаат қилиши ва бошқа бир неча сабаблар мавжуд, бу гоҳида жуда оғир ва фожиали ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда беморларни қандли диабет касаллигидан бутунлай тузатиб юбориш имконияти бирмунча камлиги туфайли бу хасталикни эрта аниқлаб, уни тўғри даволаш ҳамда бемор умрини узоқ, ҳаётини сермазмун қилиш шифокорлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

**— Айтингчи, қандли диабет касаллиги насл сурадими?**

— Маълум бўлишича, касалликнинг ўзи эмас, балки унга мойиллик насл суради. Гап шундаки, бизни турли-туман зарар келтирувчи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиб турадиган туғма иммунитет ҳаммада ҳам бир хил бўлавермайди. Ана шундай кишиларга касаллик бошқаларга қараганда кўпроқ хавф солиши аён бўлади. Уларнинг ўзлари касалланиб қолишлари, ўз авлодларига нуқсонли иммунитетни ўтказишлари, бинобарин касалланиш хавфини орттиришлари мумкин экан. Юқорида айтилган мойиллик ҳолатига бошқа сабаблар қўшилса, касаллик пайдо бўлиши мумкин.

**— Мазкур касалликни келтириб чиқарувчи сабаблар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

— Бу касалликнинг пайдо бўлишига сабаблар аввало семириб кетиш, камҳаракатлилик, кўп овқат ейиш оқибатида меъда ости безига ортиқча зўр келиши, хамир овқатлар ва ширинликларни кўп истеъмол қилиш натижасида юзага келади. Баъзан касаллик қоринни, бошни уриб олганда ва бир қатор ҳолларда асабий-руҳий зўриқиш, қаттиқ қўрқиш, оиладаги ва ишхонадаги можаролар ва ҳоказолар оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, қандли диабет баъзан юқумли касалликлар ва ички секреция безлари хасталиклари, меъда ости безининг яллиғланиши ва ички секреция безлари етилиш даврида ўзига хос зўриққанда, аёлларда эса ҳомиладорлик ва климакс даврида ҳам қандли диабет хасталиги билан оғриш эҳтимоли бор. Шу билан бирга спиртли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида ўткир ва сурункали панкреатитга олиб келиши, семириб кетишга сабаб бўлиб, бу қандли диабет пайдо бўлишини оширади. Булардан ташқари баъзи бир касалликлар, яъни хафақонлик, қон томир тизимининг атеросклерози ва бошқалар қандли диабетга сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб, шуни таъкидламоқчиманки, қандли диабет касаллигига гумон бўлган ҳолатларда тезликда шифокорга мурожаат қилиб, қондаги ва сийдикдаги қанд миқдорини аниқлаш ва зарур ҳолатларда даволаш чораларини кўриш зарур. Бебаҳо бўлган бойлигимиз — саломатлигимизни асраш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда, шундай экан, соғ-омон юришни истасангиз, соғлиғингизга эътиборли бўлинг.

**Гулором ҲАМИДОВА**
**суҳбатлашди**

---

*Сўраган эдингиз...*

## СУЯК СИНГАНДА ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНИШ КЕРАК?

**Кексайган чоғимда йиқилиб оёғим синди. Узоқ вақт шифохонада ётиб даволандим. Суякларнинг битиши қийин бўляпти. Шифокорлар парҳезга риоя қилишим зарур эканлигини таъкидлаб, маслаҳатлар беришди. Шундай бўлса ҳам газетанинг «Саломатлик — туман бойлик» саҳифасида суяк синганда қандай парҳез овқатлар истеъмол қилиш кераклиги ҳақида мутахассис тавсияларини беришингизни сўрайман.**

**Аҳмаджон Тўрабоев,**
**Сергели тумани**

Қўл ва оёқлар синиши, жароҳатлар, остеопороз — бизнинг ҳаётимизда тез-тез учрайдиган ҳолатлар ҳисобланади. Бунда ҳам бошқа патологиялар сингари парҳез овқатланишга катта эътибор қаратиш керак бўлади. Боланинг ўсишдан орқада қолиши ёки суяк сингандан сўнг уни ёпишиши— булар аномалия ҳисобланади. Чунки буларга битта сабаб бор. Бу узоқ давом этаётган оқсил — калория етишмовчилиги. Шуни таъкидлаш кераки, суяклар лат еганда ёки синганда жуда кўп оқсил керак бўлади. Бундан ташқари суяк регенерацияси ҳосил бўлишида турли хил макро ва микроэлементлар, витаминлар, фосфор, мис, витамин Д катта аҳамиятга эга. Айниқса, кальций жуда зарур. Шунинг учун суяк синганда парҳезга риоя қилиш керак. Бунда рационал овқатланишнинг принципи бўлиб катта миқдордаги оқсил (160 г сут) тутган парҳезни тавсия қилинади, 75 фоиз ҳайвон оқсили, (творог 200 г, гўшт 400 г, тухум 2 тадан кам эмас) бўлиши керак. Оқсилли овқатланиш синиш жойидаги суяк тўқимасининг тикланишига ижобий таъсир қилувчи ишқорий фосфатазани фаоллаштиради.

Рационга оқсиллардан ташқари кальций, фосфор, витамин А,С,Д,В группасини тутган озиқ моддалар ҳам киритилади (сут ва сут маҳсулотлари, пишлоқ, балиқ, балиқ ёғи, сабзавот ва мевалар). Оғир суяк синишларида ва суяк битишларининг секинлашганида ҳайвон оқсилларига бой бўлган махсус парҳез тавсия қилинади. Жумладан, нонуштага қайнатилган тил, сутли, гречкали бўтқа, лиқ-лиқ (холодес), пишлоқ ва чой, шунингдек творог, олма, печенье. Тушликка эса гўшт бульонидан ва сабзавотлардан тайёрланган шўрва, сметана, бузоқ гўштидан тайёрланган бефстроган, картошка пюреси, узумдан тайёрланган мураббо. Буғда пиширилган оқсилли қуймоқ, наъматак қайнатмаси, балиқ. Кечки овқатга гўштли рулет, қиймали қуймоқ, картошка пюреси, чой. Ётишдан олдин қатиқ ичиш тавсия қилинади. Шундай қилиб, ҳайвон оқсиллари билан бойитилган парҳез суяги синган беморларни даволашда асосий компонент бўлиб ҳисобланади.

Ўз замонасининг буюк олими Абу Али ибн Сино ҳам суякларни тез битиши учун оқсилга бой бўлган озуқа моддаларини истеъмол қилишни тавсия этган. Олим энг яхши дори сифатида лиқ-лиқ (холодес)ни буюрган. Ҳақиқатан ҳам лиқ-лиқ таркибида 20 га яқин микроэлементлар бўлиб, улар суякларнинг тикланиш жараёнида фаол иштирок этар экан. Олимларнинг аниқлашича лиқ-лиқни истеъмол қилган беморларда суякнинг тикланиш вақти уни қабул қилмаганларга нисбатан тезроқ самара бергани маълум бўлган. Шунинг учун Абу Али ибн Сино томонидан тавсия қилинган микроэлементларга, оқсилларга бой бўлган ҳамда суякларнинг тикланишини оширувчи лиқ-лиқни суяги синган беморларнинг овқатланиш рационига, албатта киритиш керак бўлади.

---

*Шифокор маслаҳати*

## ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

**ГЎДАК ТУҒИЛГАНИДАН КЕЙИН ИЛК ОЙЛАР ИЧИДА ТЕЗ РИВОЖЛАНАДИ ВА ЎСАДИ. ЯНГИ МЕЗОН БЎЙИЧА ТЎРТ ОЙЛИК ВАҚТИГА КЕЛИБ УНИНГ ОҒИРЛИГИ ИККИ МАРТА КЎПАЯДИ. ОЗИҚ МОДДАЛАР ФАҚАТГИНА ОРГАНИЗМ ФУНКЦИЯСИГА ЭМАС, БАЛКИ КАТТА ДАРАЖАЛАРДА ТЎҚИМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ УЧУН ҲАМ САРФЛАНАДИ.**

Бола нима учун безовта бўлади? Маълумки, бола учун кўкрак сути энг керакли ва сифатли озуқа ҳисобланади. Агар боланинг талаби кўкрак сути билан қондирилса, овқатланишга бўлган бошқа талаблар автоматик равишда қондирилади. Айтиш жоизки, кўпгина болаларга олтинчи ойга бориб қўшимча овқатларга эҳтиёж туғилади. Одатда 4-6 ойлик давр овқат рационига бошқа озуқаларни киритиш учун қулай вақт ҳисобланади. Лекин шуни унутмаслик керакки, боланинг организми табиатан нозик ва ички аъзолари ҳали тўлиқ ривожланмаган бўлади. Шу сабабдан эмиш пайтида оғиз орқали кирган озгина ҳаво ёки эмизикли она қорнида дам ҳосил қиладиган маҳсулотларни меъёридан ортиқ истеъмол қилинса ва болага қўшимча озуқалар берилган пайтда болаларда қорин дам бўлиши ва ичак коликаси пайдо бўлиши мумкин. Бу эса боланинг безовта бўлишига олиб келади. Бундай ҳолларда, албатта шифокорга мурожаат қилиш лозим. Агар қорин дам бўлиши ва ичак коликасининг сабаблари ва бошқа касаллик бўлмаса, болага ҳар хил ўтлардан тайёрланган дамламалар бериш керак (масалан мойчечак, укроп). Дамламаларда фаол моддалар кам миқдорда бўлади ва таъсир кўрсатиш учун бола кўп миқдорда суюқлик (дамлама) ичишига тўғри келади, бу эса болага ноқулайликлар туғдиради ва у ичишдан бош тортиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирги кунда гўдакнинг қорни дам бўлган вақтда ва ичак коликаси безовта қилганда табиий гиёҳлардан тайёрланган Карминативум «Бебинос» препаратини тавсия қилиш мумкин. Мазкур препарат Германияда ишлаб чиқарилган бўлиб, бир ёшгача бўлган болаларга бир кунда уч маҳал 3-5 томчидан ичирилади. Бу дори воситасининг қулайлиги шундаки, уни боланинг овқатига ёки ичимлигига аралаштириб берилса ҳам бўлади. Тажрибалар боланинг соғ-саломат камолга етишида ушбу шифо воситаси яхши самара беришини кўрсатмоқда.

**Муқаддас ИСМОИЛОВА,**
**шифокор**

---

*Таълим*

## БУГУНГИ КУН ТАЛАБАСИ

**КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИДА «БУГУНГИ КУН ТАЛАБАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ИНСТИТУТНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА ТАЛАБАЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.**

— Ушбу тадбирни ўтказишимиздан асосий мақсад, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Дагар Расулов, — бугунги кун талабасининг асосий вазифалари, бурч ва масъулиятларини яна бир бора қутлуғ номга сазовор бўлган ёшларга тушунтиришдан иборатдир. Шунингдек юқори курс талабалари билан ҳар доим ва ҳамма вақт дўстона муносабат бўлиш, ўқув юртининг шарафини ҳимоялаш, институтнинг тартиб-қоидаларига бирдай риоя қилишларини, аъло ўқиш, ўз устида изланиш ва ишлашни яна бир бора таъкидлаб ўтдик. Чунки олий ўқув даргоҳимиз ҳам муқаддас бир оила бўлиб, уни кўз қорачиғидек асраш, ички интизомларига бўйсуниш нафақат талабалар, балки ўқитувчиларнинг ҳам асосий вазифаларига киради. Келажакда халқ манфаати йўлида тинмай меҳнат қиладиган, ватанимиз равнақи ва юксалишига муносиб ҳисса қўшадиган ёшларни билимли, зукко, меҳнатсевар кадрлар бўлиб етишишлари йўлида янги-янги режалар тузиб чиқаяпмиз, маънавий-маърифий, сиёсий, ахлоқий мавзудаги турли хил тадбирлар, танлов ва учрашувларни йил давомида ўтказиб боришни ҳам режалаштириб олганмиз.

Шунингдек тадбирда бир қанча ўқитувчилар ва талабалар ҳам сўзга чиқиб, ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

## УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

**ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎМИТАЛАРИ АЪЗОЛАРИ СУРАЙЁ АҲМЕДОВА ВА ПАНЖИ ЖЎРАЕВЛАР ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР.**

Улар ўз сўзларида таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг ривожланиши ва тараққиётини олдиндан белгилаб беришини, бунда билимлар ва инсон камолоти учун сарфланган сармоя мамлакат келажаги ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиловчи энг фойдали ва истиқболли йўналиш ҳисобланишини таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Тоҳир Турғунов ҳам сўзга чиқиб, таълим йўналишидаги устувор вазифалар, талабалар олдидаги бурч ва масъулият, институтнинг бугунги кундаги ютуқлари, спорт соҳасидаги ёшларнинг изланиш ва интилишлари самараси ўлароқ қўлга киритилган муваффақиятлар хусусида гапирди. Савол-жавоб ва қизғин мулоҳазаларга бой бўлган учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди.

## ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ҲАМ БАЙРАМОНА РУҲДА БЎЛДИ.**

Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир «Истиқлол ғунчалари» деб номланди. Институт қошида ташкил қилинган бадиий гуруҳлар ва талабалар ижросида истиқлолимизнинг ўн олти йиллигига бағишлаб янграган куй- қўшиқлар, дилбар рақслар, кичик саҳна кўринишлари ва фольклор йўналишидаги чиқишлар тадбирнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлади.

Институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Абдухалил Маврулов сўзга чиқиб, талабаларни яна бир бор огоҳликка, зийракликка чорлади. Обод ва озод ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва янада ривожланишида ёшларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## "ТАСАННО — 2007" МОҲИР ОШПАЗЛАР ТАНЛОВИ

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН АНЪАНАВИЙ "ТАСАННО — 2007" ХАЛҚАРО МОҲИР ОШПАЗЛАР КЎРИК-ТАНЛОВ ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Танлов Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда "Alokazay-tea", Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхонаси, "Фонон" ИИБ, "Ўзвиносаноатхолдинг" компанияси, "Орзу ош тузи", "Пойтахт" меҳмонхонаси, "Hestle" қўшма корхонаси ва Кенгаш қошидаги дўстлик жамиятлари ҳамда Кенгашнинг вилоят бўлимлари фаоллари ҳомийлигида ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон, Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Афғонистон, Греция, Польша, Германия, Россия каби ўндан ортиқ давлатлар элчихоналарининг моҳир ошпазлари тайёрлаган миллий таомлар намойиш этилди.

Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад халқлар ва миллатлар ўртасидаги миллий қадриятларни халқ дипломатияси асосида кенг танитиб, давлатлараро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

— Биз шу кунга қадар юртимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ҳамкорлигида ўндан ортиқ кўрик танловларни ўтказдик, бу эса танловда иштирок этиш таклифи билан чиққан давлатлар сонини янада ортиб боришига замин яратяпти, – дейди Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгаши раиси ўринбосари Зокир Обидов. – Анъанавий тус олган танлов миллатлар тотувлигини мустаҳкамлашда, халқлар маданиятини бир-бирига таништиришда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мезбон сифатида қатнашаётган ўзбекистонлик ошпазлар қаторида кўплаб хорижлик пазандалар ҳам ўз ҳунарларини намойиш қилдилар.

— Мазкур танловда биз бир нечта миллий таомларимиз билан қатнашдик, – дейди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги консули Бхаргав Митра. – Намойишга қўйилган таомларимиздан товуқ гўшти, ҳиндча палов иштирокчиларга жуда ёқди. Индонезия, Россия ва ўзбек таомларини тановул қилганимда уларнинг мазаси менда ўзгача таассурот қолдирди.

Фестивалда таомлар билан бирга ҳар бир давлатнинг миллий санъати, қўшиқ ва рақслари ҳам намойиш этилиши тадбирни янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади. Пойтахтдаги Ҳиндистон маданият маркази рaққосалари, рус, грек ва индонезиялик санъаткорларнинг миллий рақс ва қўшиқларининг намойиш этилиши байрам файзига файз қўшди.

Фестивал якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона қўйилган баҳолар асосида ғолиблар аниқланди. Унга кўра биринчи ўрин Россия, иккинчи ўрин Афғонистон, учинчи ўрин эса Жанубий Корея ошпазларига насиб этди. Энг олий мукофот Гран-прига Индонезия ошпазлари сазовор бўлди. Фестивал иштирокчилари ва ғолибларга ҳомийлар томонидан совғалар, диплом ҳамда нишонлар топширилди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## Юсуф Хос Ҳожиб

### ҲИКМАТЛАР

**Феъл-атворнинг эзгуси қандай яхши нарса!**
**Феъл-атвор эзгуси кишига ҳам емиш, ҳам кийимдир.**

* * *

**Асли тоза (киши)лар доим софликка интиладилар.**

* * *

**Билим билан эл ёмон йўлдан асранади.**

* * *

**Билимсиз кишининг қўли калта бўлади.**

* * *

**Ярамас қилиқли кишидан омад ҳам юз ўгиради.**

* * *

**Андишали кишининг кўнгли қўрқувли бўлади.**

* * *

**Ақлли кишиларгина (ўз) ишларини юрита оладилар.**
**Жоҳилни ишдан (зинҳор) йироқ тутиш лозим.**

* * *

**Кишининг дили бўлмаса, унинг кўзининг фойдаси йўқ,**
**Кишининг ақли бўлмаса, унинг ақлида ривож йўқ.**

* * *

**Уқувли-идрокли бўлса қай одам,**
**Киши деб атагин, мақтагин ҳар дам.**
**Ёвузни эзгу тут, кичикни улуғ,**
**Уқув-идрок, билим бўлса унда жам.**

* * *

**Ақлу идрок чек-чегарасиз эзгулик демакдир. Ақлу идроки бўлсагина, ундай одамни доно деб аташ мумкин.**

* * *

**Шошилмоқ, енгил-елпи ишларни қилмоқнинг оқибати даҳшатли бўлади, булар барча одамларнинг ёвуз ёвидир.**

* * *

**Шошилиш, енгил-елпи ишларга ҳавас, жаҳлдорлик — нодонлар иши.**

* * *

**Шошиб қилинган ишнинг охири бахайр бўлмаганидек, шошиб пиширилган овқат ҳам кишини касал қилади.**

* * *

**Барча ишлар учун сабрлиликни танла,**
**Лекин тоат-ибодатга бўлса, шошил, югур.**

* * *

**Ҳеч тўймас бўлади кўзи суқ киши,**
**Кўзи суққа етмас бу дунё оши.**

**Суқли бир дард эрур—йўқ чора, эми,**
**Уни тузатолмас дунё ҳакими.**

**Еса, ичса, охир бари оч тўяр,**
**Кўзи оч очлигин ўлганда қўяр.**

**Мол-мулк ила бўлмас кўзи суқлар бой,**
**Оламни олса у, барибир, гадой!**

* * *

**Хулқи андишали, хуш бўлган одам,**
**Ёвуз, ёмон ишга қўймайди қадам.**

* * *

**Кишига чиройдир уят-андиша,**
**У асрар ножўя ишдан ҳамиша.**

* * *

**Беглар хиёнатга гар бўлса мойил,**
**Элига наф етмас ундан, эй ўғил!**

**Кўнгил, тил қилиғи соз бўлмаса гар,**
**Чораси топилмас, элдан қут қочар.**

* * *

**Заковатли кишининг иши заволсиз, баркамолдир.**

* * *

**Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчдир: бири—ҳушёрлик, бошқаси — адолат. Шу иккаласи эл омонлигининг илдизидир.**

* * *

**Эл бузилса ёхуд тўзийдиган бўлса, бунинг сабаби иккита: бири—зўравонлик, бири—ғофиллик.**

* * *

**Ғофилларнинг мўлжаллаган ишлари ҳеч қачон битган эмас. Улар қут-саодатнинг ҳам қўлидан тута олмайди.**

* * *

**Агар ёв ғофиллик қилмаганида уни енгиш осон кечмас эди.**

* * *

**Қайси (бир) бег элда тўғри сиёсат юритса,**
**У элини яшнатиб қўяди, ёруғликка чиқади.**

* * *

**Ёнар ўт мисол зулм ёқар, куйдирар,**
**Адолат сув эрур—неъмат ундирар.**

* * *

**Элга бош бўлайин десанг, тоабад—**
**Одил бўл, элингни асрагин фақат.**

**Эл ортар адл ила, безанар олам,**
**Зулму кучдан қолар, бузилар олам.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

*Танловлар*

# МОҲИР ҚЎЛЛАР

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ИСТЕЪДОД ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА КЎПЛАБ ТАДБИРЛАР УЮШТИРИЛМОҚДА, АМАЛИЙ ИШЛАР БАЖАРИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Худди шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий номли опера ва балет театри майдонида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси ва Юнусобод туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилди. «Моҳир қўллар» номли ушбу кўрик-танловда шаҳримиздаги барча мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олаётган иқтидорли ўқувчилар ўзларининг ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, бисер тўқиш, ракета модель, ганчкорлик сингари халқ амалий санъати турлари билан иштирок этишди.

Кўрик-танлов аввалида сўз олган Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази раҳбари Саодатхон Худойқулова республикамизда ёш авлодни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг кўрик-танлов ҳайъати аъзолари ҳар бир иштирокчининг истеъдод ва иқтидорини намоён этувчи миллий ҳунармандчилик санъати намуналари билан яқиндан танишишди.

—Ёшлар шубҳасиз бизнинг келажагимиз,—дейди Сергели туман ўқувчилар техника ижодиёти маркази раҳбари Ҳусниддин Камолов.—Шу маънода бугунги тадбирнинг ўтказилиши келажагимиз пойдевори бўлган авлоднинг камолотида муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз. Зеро, биз ёш иқтидор соҳибларини қанча кўп қўллаб-қувватласак, улардан келгусида яхши натижаларни кутиш мумкин.

Кўрик-танлов сўнгида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**
**Р.Султонов олган сурат**



*Кўргазмалар*

# САРА АСАРЛАР ЎРИН ОЛГАН

**ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ТЎПЛАМИДАН ТУЗИЛГАН ҲАМДА МАРҒИЛОННИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ОЧИЛГАН ЯНГИ КЎРГАЗМА САНЪАТСЕВАР МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА.**

Маълумки, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистон музейлари» туркумида кўргазмалар ўтказиб бориш яхши анъанага айланган. Ўтган уч йил давомида галерея тошкентлик санъат ихлосмандларига В.Савицкий номидаги Нукус музейи, Самарқанд ва Бухоро музей-қўриқхоналари, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи тўпламидан коллекцияларини намойиш этди.



—Бу каби кўргазмаларни ташкил этишдан асосий мақсад, нафақат томошабинлар аудиториясини пойтахтимиз ҳамда республикамиз маданий бойлиги билан таништириш, балки музейларни илмий, этнографик ва маданий қадриятлар хазинаси сифатида оммалаштириш ва тарғиб қилишдир,—дейди Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясининг етакчи мутахассиси Насиба Нуржанова.— Галерея залларида Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи фондининг сара асарларидан ташкил этилган кўргазманинг очилиши ана шу йўналишдаги тадбирлардан яна биридир.

Айтиш жоизки, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи Ўзбекистон музейлари ичида энг қадимгиларидандир. Унинг тарихи 1897 йилда бошланди. Ҳозирда музей фондида 80 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд. Улар ичида археологик материаллардан ташқари, амалий санъат асарлари, Риштон ва Ғурумсарой сополи тўпламлари, заргарлик буюмлари, каштадўзлик намуналари ҳам кенг ўрин олган. Шу билан бир қаторда музей фондида Фарғонанинг биринчи профессионал рассомлари М.Янцин, П.Никифоров, халқ рассоми А.Волков ҳамда замонавий Фарғона мусаввирларининг улкан ва қизиқарли рангтасвир асарлар тўплами жамланган. Мазкур кўргазма 5 октябрга қадар давом этади.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

*Спорт янгиликлари*

# "ПАХТАКОР"НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ТУР ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Чемпионлик учун курашда ўз таъқибчиларидан бирмунча илгарилаб олган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ўз майдонида Андижоннинг "Андижон" клубини қабул қилиб, 5:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришди. Биринчи бўлимда рақиб дарвозасига уч бор тўп киритган мамлакатимизнинг етти карра чемиони, иккинчи бўлимда яна икки маротаба Иштван Секеч шогирдларини ранжитди. Учрашувда А.Солиев, А.Клетцков, З.Тожиев меҳмонлар дарвозасига биттадан гол киритган бўлса, Сервер Жепаров дублни амалга оширди.

Жорий чемпионатда пахтакорчилар билан жиддий рақобатлашаётган Тошкентнинг яна бир жамоаси "Қурувчи" эса "Шўртан" (Ғузор) футболчилари устидан 3:0 ҳисобида зафар қучди. Ўйиннинг 41-дақиқасида Виктор Карпенко узоқ масофадан дарвоза тўрини аниқ нишонга олган бўлса, Илҳом Мўминжонов 76 ва 78-дақиқаларда боши билан кучли зарба йўллаб Элдор Тожибоевни ожиз қолдирди.

Мазкур турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Бухоро" (Бухоро) — "Нефтчи" (Фарғона) 0:1, "Навбаҳор-Н" (Наманган) — "Вобкент" (Вобкент)—4:1, "Тўпаланг" (Сариосиё) — "Насаф" (Қарши)—1:0, "Самарқанд - Динамо" (Самарқанд) - "Локомотив" (Тошкент)— 1:1, "Қизилқум" (Зарафшон) - "Металлург" (Бекобод)—5:1, "Машъал" (Муборак) — "Трактор"(Тошкент)—5:2.

**Боҳир БЕК**

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ АЛ-АЙН ШАҲРИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ.**

# КУМУШ НИШОН СОҲИБИ

12 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган қитъа биринчилигида ўзбекистонлик Жаҳонгир Воҳидов 9 имкониятдан 6,5 очко жамғариб иккинчи ўринни қўлга киритди ва кумуш медаль билан тақдирланди. Чемпионатда эронлик Амирхон Ковзариний 7 очко билан биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, ҳиндистонлик Фенил Шахга учинчи ўрин насиб этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЖАКАРТАДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

**ИНДОНЕЗИЯ ПОЙТАХТИ ЖАКАРТА ШАҲРИДА СПОРТНИНГ СУЗИШ ТУРИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН V ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Мазкур нуфузли турнирнинг 50 ва 100 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида ёш умидли спортчимиз Юлдуз Кўчқоровага кумуш медаль насиб этган бўлса, 200 метрга чалқанча усулда сузган Юлдуз бронза медали билан тақдирланди.

Дарвоқе, яна бир юртдошимиз Алишер Амирхонов 1,5 километр масофага эркин усулда сузиш баҳсларида марраға учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медали соҳиби бўлди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Қатралар*

## ҲАСАДЧИ

Меҳнаткаш қўллардан ишлов еяётган жўхорилар яйраб кўкка бўй чўзади. Қобиқ йўргагида тўлишаётган сўта фарзандларининг келажагидан мамнун. Елда сочларини ёйиб рақсга тушади.

Қуйида ўсаётган нимжон ғумай эса бундан ич-этини ейди:

— Шу пайтгача мени икки марта ўришмаганида ўсишда сендан қолишмасдим. Қип-қизил уруғ ҳам бойлаган бўлардим.

— Уруғласа баттар кўпаяди, экинни сиқади, дейишиб шаҳдингни қайтариб туришади. Қилмишингни била туриб, ҳасад қиласан-а, — дейди жўхори.

Ғумай бундан ижирғаниб, очиқда яйраб ўсолмаганидан ер тагидаги бўғин-бўғин илдизига янада зўр бераркан.

## СОМОН ҲАМ...

Ёз. Деҳқон қўлини пешонасига соябон қилганча буғдойзорга боқади. «Ниятинг пок, ишончинг қатъий эди. Қанча оромингдан кечдинг бу йўлда. Энди юзинг ёруғ...» дея шивирлаб чайқалади буғдойзор, бўлиқ бошоқларини эгиб деҳқонга. Деҳқон энгашиб бир дона уруғ тупидан панжалаб кўпайган бошоқларни санайди. Ҳар тупида 6-8 тадан дон! Демак бир кафт уруғ бир қоп дон.

Деҳқоннинг синчков кўзлари буғдойзорга тутам дўнгликдаги бир туп бошоққа ҳам тушади. Сариқ ипдек нимжонгина танадаги бошоқ барг қобиғи орасидан аранг кўринади.

«Кузда қулочкашлаб дон сепаётганингизда ёлғиз менгина шу ёққа учиб тушган эканман. Меҳрингиздан бўрсиллаган ердан бенасиб яшадим», сарак-сарак қиларди у, пуч бошини эга олмай, юрт ишига ожизман, дея.

Она-Ер ва деҳқон меҳри омухта бўлмаса қуруқ сомон ҳам битмайди.

## СУВ АРЗИН ТИНГЛАБ...

Офтобга тиғали йўлда иссиқдан бошим лақиллаб, лоҳасландим. Анҳор шабадасига, роҳатга урдим ўзимни. Анҳор ёнидаги дарахтлар орасидан тушаётган офтоб нури сув юзида жимирлайди. Қалдирғочлар сув юзига тўшларини бир-бир суйкаб чарх уриб учишади.

Чанқовлигим бу манзараларни яхши кайфият билан идрок этишга ғов-элакнинг ёпишган гард юқидай халақит беради. Дарвоқе, бу сувнинг ҳам боши тоғлардан бошланган-ку.

Чанқаганман-да, тўлқинлар жилваси ҳам юрагимга ором беролмайди. Ивир-шивири таъна-тошларимга мунгли оҳанг бўлиб жавоб қайтарди. «Мен сира-сира буни кутмагандим. Инсон умрига умр қўшай деб, тоғлардан шарқираб отилиб, тошлардан тошларга урилдим. Чиниқдим йўлларда. Беғубор ўйларимни тушунмаганлар, беғубор тотимнинг қадрига етмаганлар эса қарғадек аланглаб, ифлосларини бағримга яширишади. Дилларининг нопоклигини яширган кўк пардаман, гўё. Не қилай, яхшими, ёмонми инсон измидаман. Бўлмасам, буғдойзорга тушган қорамуғдек битта-яримта нопокнинг эски тоғораси-ю чиркиндиларини бағримдан чиқариб, ўзининг башарасига отардим-а.

Тоза, шифолигимни йўқотган, мингларнинг ризқини қирқувчи табиат ва инсон оғусисан, дердим. Биламан, менга қараб чанқовликдан қилаётган таъналаринг уларнинг шаънига айтилаяпти.

Яхшиямки, дардимни ер, меҳнат олади. Экинзор, мевазорларга сингиб қутга айланаман».

Сув яна менга: шифолигимни бузган эгри қўлларни қайиринг. Тоғлардан ошиб далаларга етгунимча самовар ва қозонингизда шодланиб қайнай, йўлларимда йўловчиларнинг чанқовини босай, дегандек, тўлқинланиб оқади.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 16 октябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаларини қўймоқда**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06/06-сонли, 2006 йил 16 ноябрдаги 10-0621/14045-Б сонли, 2007 йил 14 майдаги 1-8824/07 сонли, 2007 йил 8 январдаги 10-0621/14212 сонли, 2007 йил 15 июндаги 10-0711/4647 сонли, ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 127-уйда жойлашган трест «Тошкентлифт» корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланаётган 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AF657 бўлган «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 610 000 сўм.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2005 йил 29 декабрдаги 10-0518/11362-сонли, 2004 йил 19 ноябрдаги 10-0410/11289-сонли, 2005 йил 11 апрелдаги 10-0518/3643-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «Toshmuhandisinshootqurilish» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Строитель кўчаси 40-уй манзилда жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 582 213 300 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456

Топширилган вақти: 12:25